31 (361)
2003 йил 6 август
Чоршанба

ХАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ХАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда

XII йил

ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ: 218-кун

2
- Оқсоқолга ўхшамаган оқсоқол
- Маҳалламизни хорижда танишади

3
- «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» қаҳрамонлари.
- «Маҳалла куни» мароқли ўтди.

4
- Бухорий бахмал тўқигану, тарихни билган.
- Мутасаддилар ҳам теннис ўйнайди.

Саҳифада

ВИЛОЯТ ФАОЛЛАРИ ЙИҒИЛИШИ



САМАРҚАНД. (ЎзА махсус мухбирлари Анвар БОБОЕВ, Акбар ҚАРШИЕВ).

5 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Самарқандга ташриф буюрди. Вилоят ҳокимлигида фаоллар йиғилиши бўлди. Унда Президент Ислом Каримов сўзга чиқди.

Мамлакатимиз раҳбари вилоятда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижалари, мавжуд муаммолар ҳамда уларни ечиш йўллари ҳақида гапирди.

Эътироф этиш керакки, вилоятда кўпгина соҳаларда муайян ютуқларга эришилмоқда. Қадим Самарқанднинг дунёвий шуҳрати тобора ортиб боряпти.

Лекин фақат ютуқларни санаш билан кифояланиб бўлмайди. Шу боис Президент Ислом Каримов иқтисодий, ижтимоий соҳага оид қатор долзарб масалаларга эътиборни қаратди. Жумладан, вилоятда одамларнинг, хусусан, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини янада юксалтириш, уларга зарур шарт-шароитларни яратиш борасида ҳали анча ишлар амалга оширилиши лозимлигини таъкидлади.

Иқтисодий соҳани ривожлантириш билан бирга одамларнинг маънавий дунёсини мунтазам бойитиб бориш, истиқлолнинг асл моҳиятини англаб етиши учун барча чораларни кўриш лозим. Шу боис аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш каби вазифалар доимий эътиборда бўлмоғи даркор.

Мамлакатимиз раҳбари меҳнаткашларни рағбатлантириш, уларнинг иш ва турмуш шароитини тағин ҳам яхшилаш, таълим соҳасини ривожлантириш, ижтимоий ҳаётда хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштириш каби масалаларга тўхталди. Бу борада амалга оширилаётган ишлар қўламини кенгайтиришга қаратилган вазифалар ҳақида сўзлади.

Йиғилишда «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси, Ўзбекистон халқ артисти Таъна Берди Қурбонов, Жомбой тумани «Ҳақиқат» ширкат хўжалиги раиси Барот Нодиров, «Ургут садоси» газетаси бош муҳаррири Файзи Ҳайдаров, Самарқанд давлат университети ректори Рустам Холмуродов, Каттақўрғон тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулнора Шаропова, «Зарафшон» газетаси бош муҳаррири Фармон Тошев, вилоят бош имом хатиби Усмонхон Темурхон ўғли ва бошқалар сўзга чиқди.

Суратда: йиғилиш пайти.
Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА)олган сурат.

● Обод маҳалла йили тадбирлари

ПОЙТАХТДА "МАҲАЛЛА КУНИ"

2 август куни "Туркистон" саройининг ёзги майдонида анъанавий "Маҳалла куни" байрами бўлиб ўтди.

Шу куни "Туркистон" саройининг ёзги майдони карнай-сурнай садолари остида юзлаб пойтахтликларни ва меҳмонларни ўз бағрига олди.

"Ота-боболаримиз айтганидек, тўй бир кунда ўтади, унга тайёргарлик эса бир неча ой давом этади, -дейди Тошкент шаҳар Оқсоқоллар кенгаши "Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлими раиси Риҳситилла Акромов -"Маҳалла куни"га тараддуд ҳам шунча вақтни олди, десак муболаға бўлмайди. Дастлаб, бу ҳақда Тошкент шаҳар ҳокимининг махсус қарори қабул қилингач "Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлимида ишчи гуруҳлари ва коммисиялари тузилди. Улар ўз ўзини бошқариш қуйи тузилмаларида бўлиб, тадбирдан кўзланган асосий мақсад мазмунмоҳияти хусусида пухта тушунтириш ишлари олиб бордилар. Жойларда ташкил этилган маҳалла фаоллари билан мулоқотлар чоғида фуқаролик жамияти қураётган республикамизда ислоҳотлар талабларига жавоб берадиган, ўз вазифасига халқ манфаати нуқтаи назаридан ёндошадиган, ўз ортидан маҳалла аҳлини эргаштира оладиган, дунёқараши янгича, билимли, қобилиятли, оддий ва камтар, бой тажрибага эга бўлган оқсоқоллар сафини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Фақат ана шундай фидойи оқсоқоллар куч-ғайрати, саъй-ҳаракати билангина одамлар маънавий оламини бойитиш, обод қилиш, маҳалла ҳудудларини ҳавас қилса арзигулик масканларга айлантириш, боғ-роғларга буркаш мумкин бўлади. Дарвоқе, гап мавриди келганда шуни ҳам айтиш жоизки, йиғин раиси уддабурро, тадбиркор, мурувватли бўлган ерларда Юртбошимиз, хукуматимиз ўртага долзарб қилиб қўяётган масалалар ижобий ечимини топаётир.

Суратда: **Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси раиси А.ГАДОЙБОЕВ ғолибларга эсдалик совғаларини топширмоқда.**

3-саҳифада

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

Электр ва иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш интизомини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, иқтисодиётнинг бир қатор тармоқларида электр ва иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш бўйича номақбул ҳолат сақланиб қолмоқда. Энергия учун тўлов бўйича қарзларнинг кўпайиши, ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини нотўғри акс эттириш, электр ва иссиқлик энергияси бериш тармоқларига рухсатсиз уланиш ҳолларига йўл қўйилмоқда. «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси раҳбарияти томонидан мазкур камчиликларни бартараф этиш, тўлов муддати ўтган қарзлари бўлган истеъмолчиларга энергия берилишига йўл қўймаслик бўйича муфассал чора-тадбирлар кўрилмаяпти.

Ўзаро ҳисоб-китоб қилишда тўлов интизомини кучайтириш, етказиб берилаётган электр энергияси учун истеъмолчиларнинг барча тоифалари томонидан ҳақнинг сўзсиз тўланишини таъминлаш, энергетика комплекси корхоналарини замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлаш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси раҳбариятига электр энергиясини узатиш вақтида унинг исроф бўлиш даражасини камайтириш бўйича амалга оширилаётган ишларининг етарли эмаслиги, етказиб берилаётган электр ва иссиқлик энергияси учун истеъмолчилар томонидан ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши, уларни ҳисобга олиш приборларидан тўғри фойдаланилишини таъминлаш юзасидан талабчанликнинг сусайтириб юборилганлиги ва зарур назоратнинг йўқлиги кўрсатиб ўтилсин.

2. «Ўздавэнергоназорат» агентлиги Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан биргаликда:

электр ва иссиқлик энергияси ўғирланиши, ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларининг нотўғри акс эттирилиши, электр ва иссиқлик энергияси узатиш тармоқларига рухсатсиз уланиш, шу жумладан «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси корхоналари ходимлари томонидан улаб бериш;

истеъмолчиларда ўрнатилган электр ва иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзиб олишга тўсқинлик қилиш ҳоллари аниқланган тақдирда айбдор шахсларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган жиноий жавобгарликка тортсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

2003 йил 1 сентябрдан бошлаб, аҳолидан ташқари, истеъмолчиларнинг барча тоифалари учун «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси томонидан бериладиган электр ва иссиқлик энергияси учун бир ойлик истеъмол ҳажмининг 30 фоизи ҳақини мажбурий равишда олдиндан тўлаш жорий этилади, якуний ҳисоб-китоблар 60 кун мобайнида амалга оширилади;

истеъмолчининг ҳисоб-китоб қилинадиган даври бошлангунгача ҳақни олдиндан тўламаган ёки якуний ҳисоб-китобни ўз вақтида амалга оширмаган энергия истеъмолчиларига энергия бериш тўхтатилади;

тўлов муддати ўтган қарзи бўлган электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчиларини узиб қўйиш ҳамда уларни қайтадан улаш бўйича харажатлар истеъмолчиларнинг ўз ҳисобидан қопланади;

электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчиларининг «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси корхоналаридан 2003 йил 1 сентябргача вужудга келган қарзлари Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан тасдиқланган жадваллар бўйича тўланиши керак.

4. Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссияси бир ой муддатда:

истеъмолчиларнинг молиявий аҳволини ҳисобга олган ҳолда, электр ва иссиқлик энергияси учун 2003 йил 1 сентябргача вужудга келган қарзларни;

«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси корхоналарининг бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича, ёқилғи ва темир йўл ташувлари учун қарзларини тўлаш жадвалларини тасдиқласин ва уларнинг бажарилишини қаттиқ назоратга олсин.

5. Энергия сарфи кўрсаткичларини бузиб кўрсатишдан ҳимоя қилиш ва узатиш тармоқларидаги электр энергияси йўқотилишини аниқлаш мақсадида «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси:

истеъмолчиларда ўрнатилган электр ва иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари ҳар ойда ёзиб олинишини таъминласин, электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузувчиларга нисбатан тегишли жавобгарлик чораларини кўрсин;

электр тармоқларини ва электр энергиясидан фойдаланувчиларни электрон ва бошқа замонавий ҳисобга олиш приборлари билан қайта жиҳозлаш тадбирларини тасдиқлаш учун икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. «Ўздавэнергоназорат» агентлиги ва «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси:

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда электр энергиясини узатишда унинг магистрал ва тақсимлаш тармоқларида исроф бўлишининг йўл қўйиладиган чекланган нормативларини тасдиқласинлар;

қуввати 10 киловаттгача бўлган электр қурилмаларини электр тармоқларига улашда хўжалик юритувчи субъектларга соддалаштирилган талаблар тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 5 август

Тоғлар орасида жойлашган Сўх тумани аҳолиси учун вилоят, қўшни туман ва шаҳарлар марказларига бориб, савдо-сотиқ қилиб келиш анча қийин. Бунинг учун Қирғизистон Республикаси ҳудудидан узоқ йўл босиб, қатор божхона постларидан ўтишга тўғри келади. Туман ҳокимлиги ана шу ҳолатни эътиборга олиб, Обод маҳалла йилида "Ҳар бир маҳалла ўз гузарига эга бўлсин" деган шиорни ўртага ташлаган эди. Маҳаллаларнинг аҳолиси бу ташаббусни чин дилдан қўллаб-қувватлашди.

ҲАР МАҲАЛЛАГА БИР ГУЗАР

Ҳозирги кунда тумандаги 4 та қишлоқ ва 22 та маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳаммасида катта ҳажмда қурилиш ва ободончилик ишлари олиб борилмоқда. Ҳашар йўли билан ва тадбиркорлар кўмагида савдо-сотиқ расталари, умумий овқатланиш шохобчалари, маданий-маиший, тиббий хизмат кўрсатувчи маҳалла гузарлари қурилиши тез суръатлар билан амалга оширилмоқда.

- Бугунгача 12 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳамма қулайликларга эга бўлган ўз гузарига эга бўлди, - дейди туман Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси раиси Сухробжон Отахонов. - Мустақиллигимизнинг 12 йиллик байрамигача яна 7 та маҳалла гузари қурилиши ниҳоясига етади.

Бурхонжон Ҳайдаровни Сўхда танимайдиган одам йўқ. Уста тадбиркор ва саховатпеша бу инсон Мулғон маҳалла фуқаролар йиғинида Бурхон Маҳмуд номли гузарга асос солди. Унинг ташаббуси билан гузарда энг аввало новвойхона, чойхона, савдо дўкони, қассобхона, сартарошхона, дорихона очилди. Мўъжазгина бозорча ташкил қилинди.

Тадбиркор Ўрмонбек Абдулахатов ҳам хайрли ва савобли ишга қўл урди. У маҳаллада ҳаммом қурилишини бошлаб юборди. Қулайлиги жиҳатдан яқин деҳарада бу ҳаммомга тенг келадигани йўқ.

Маҳалла ҳудудида қурилаётган болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ҳам ишлар ниҳоясига етмоқда. Бу мажмуа битгач, маҳалла ёшлари спортнинг барча турлари бўйича шуғулланиш имкониятига эга бўлади. Унинг қурилишига тумандаги барча хўжалик, корхона, ташкилот ва муассасалар баҳоли қудрат ёрдам беришяпти.

Сўх қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Чумакчи, Обишир, Пудиргон, Демурсад маҳаллалари гузарлари ҳам ўзига хос миллий услубда қурилган.

- Маҳаллаларимиздан ҳеч ким хўжалиги учун керакли нарсани истеъ узоққа бормайди, - дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Субҳиддин Ҳизриев. - Ҳамма нарса гузарларнинг ўзида бор. Бундан фуқароларимиз беҳад хурсанд.

Биз Ғазнов, Қалъача, Тул, Равон, Новобод, Янгиарик, Самарқанд маҳалла фуқаролар йиғинларидаги гузарларни кўриб, маҳалладошларнинг ҳамжиҳатлигига, тадбиркор ва ишбилармонларнинг хайрли ишларига тасаннолар айтдик. Маҳалла гузарларида фаолларнинг самарали фаолият олиб бориши билан бир қаторда аҳолининг ишдан сўнг ҳордиқ чиқариши учун ҳам барча қулайликлар мавжуд.

Фарғона вилояти

Қодир ШОДМОНОВ, "Mahalla" мухбири.

● Хат қутидаги илтимослардан бирига шарх:

Ҳа, одатда ҳар бир таҳририятнинг эшиги муштарийлар учун доимо очиқ. Бунинг устига таҳририятнинг манзили ҳам хат орқали мулоқот қилувчилар учун кўринарли қилиб ёзиб қўйилади. Демак таҳририят хат қутиси ҳам доимо муштарийлар учун очиқ. Шунга кўра келаётган мактублар мазмуни ҳам ранг-баранг.

Қўйидаги мактуб Бухоро вилояти Зафаробод шаҳарчасидан келган:

"...Зафаробод шаҳарчамиз 32 ёшда, яшаш шарт-шароитлари кўнгилдагидек... Бундай хайрли ишлар Зафаробод шаҳарчаси фуқаролар йиғини раиси Тоғаев Тўрабек ога ҳаётида кўплаб рўй боргандир..." Хуллас, муаллиф шаҳарча ҳаётидаги кўнгилли воқеаларни чала-чулпа сўз қурилмалари орқали ҳикоя қилади ва биздан қуйидагича илтимос қилади:

"Бош муҳаррир! Биз Сизларнинг газетангизга кам обуна бўлганлигимизни ҳисобга олган ҳолда сизлардан илтимос ёзганим, газета ёриғини (юзини демоқчи - таҳририят) кўрса, жуда қувончли бўларди, бизлар келажакда тадбиркорлар билан биргаликда обуна бўлишимиз ҳам мумкин, агар ёзганларимиз чиқиб... маҳалла раислари ҳақидаги мақоламизга ёрдам берсангиз.

Сиздан илтимос, газетага чиқадиган бўлса, почта орқали шу газетани бизга юборсангиз, маҳалла аҳлининг боши кўкка етарди. Сиздан жавоб хатини кутаман...

Джумамуродов Шароф Тиллабаевич."

АГАР БИЗ ГАЗЕТА ЮБОРСАК... МАҲАЛЛАНИНГ "БОШИ КЎККА ЕТАР"КАН

ТАҲРИРИЯТДАН: **Жумамуродов Шароф Тиллабоевич! (Узр, сиздан беизн биз сизнинг исми-шарифингизни тўғри имлода ёзишга жазм қилдик.) «Маҳалла аҳли»нгизнинг «боши кўкка» етмайдиган бўлди. Чунки биз ҳар бир мақоласи чиққан муаллиф ёки ўзи мақталиб чиққан одамга «почта орқали газетани» юбора олмаймиз. Бу фақат Сизнинг шартларингиз ва илтимосингиз таҳририят нафсониятига теккани учунгина эмас, бундай имконият йўқлиги учун ҳамдир. Бунинг устига Аллоҳга шукурким, юртимизда ҳамма озод, эркин, газета сотиб олиш, обуна бўлиш ҳуқуқига эга. (Хафа бўлмангу, бундай илтимосни шундай имкониятдан маҳрум бўлганлар қилиши мумкин). Шунингдек, таҳририят сизнинг мазкур мактубингиздан аён бўлган фикрингизга ойдинлик киритиб, шуни маълум қиладики, газетага обуна газетада мақола чиқариш шарти билан уюштирилмайди. Газетанинг газетада мақоласи чиқмаса ҳам, ўзи мақталмаса ҳам обуна бўладиган минглаб муштарийлари бор. Яъни биз «Сиздан ўгина, биздан бугина» тарзида фаолият юритмаймиз.**

Шаҳарчада обуначилар камлиги эса шу ҳудуддаги фуқаролар йиғинлари учун катта ютқазишдир. Зотан, улар ўз фаолиятларига оид ягона газетадан кўп нарса олишлари мумкин эди. Бу ҳолатни таҳлил қилиш учун эса ушбу фикрлар ёритилган газетани «почта орқали» сизга эмас, тегишли идораларга албатта юборамиз. Шунингдек, бизга йўллаган икки сариқ варақдаги мактубингизнинг бир варағини фарзандингиз иш жойига ёзган ариза нусхаси орқасига ёзибсиз. Сизга бу қоғозни ҳам қайтариб юборишнинг имкони йўқ. Бизга Сизнинг қўлёзмангиз зарур бўлади.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида **00123**-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр кўрсаткичи:148
Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй
Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

Таҳририятга келган хат ва мақолалар таҳрир қилинмайди ва эгаларига қайтарилмайди.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

Таҳририят

АҚШ: ХАВФСИЗЛИК ЧОРАЛАРИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

АҚШ ҳукумати террорчи гуруҳларнинг таҳдидидан яна жиддий ташвишга тушмоқда. Шу боис мамлакатда хавфсизлик чоралари кучайтириляпти.

Айниқса, халқаро аэропортларда текширув ишлари янада жадаллашган. Аммо, бу жараён кейинги кунларда бироз мураккаб кечмоқда. Назоратчилар асосий эътиборни қурол ва портловчиь моддаларни яшириб олиб ўтиш мумкин бўлган кичик электрон жиҳозларни текширишга қаратган. Уяли телефон аппарати, магнитафон, фото ва видео камералар бу борада террорчиларга қўл келиши мумкин.

Си-эн-эн телекомпанияси маълумотларига қараганда, тез кунларда авиакомпаниялар, федерал хизмат вакиллари ва маҳаллий ҳокимият органларига бу борада тегишли кўрсатма ва йўриқномалар жўнатилади.

Яқинда мамлакат хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан «Ал-Қоида» террорчиларининг кўпчилик йўловчиларда учратиш мумкин бўлган маиший электр асбобларидан самолётларни олиб қочишда фойдаланишни режалаштиргани аниқланди. Маълум бўлишича, фотоаппарат ичига карахт қилувчи махсус электрон қурилма ўрнатиш мумкин экан.

Ўтган якшанба куни Дубайнинг Ал-Арабия телеканали «Ал-Қоида» гуруҳи аъзоларидан бири Айман аз-Завахирий овози ёзилган магнит тасмани эфирга узатган эди. Аз-Завахирий, агар АҚШнинг Гуантанама ҳарбий базасида сақланаётган маҳбуслар судга топширилса, бу АҚШ учун анча қимматга тушишини таъкидлаган.

Ҳозирча мазкур магнит тасманинг қачон ёзиб олингани аниқланганий йўқ.

Айни пайтда Гуантанама ҳарбий базасида «Толибон» ва «Ал-Қоида» аъзоларидан иборат 620 нафар маҳбус сақланмоқда. Уларнинг деярли барчаси Афғонистон ҳудудида асир олинган.

АҚШ адлия вазири Жон Эшкрофтнинг фикрича, «Ал-Қоида» террорчи гуруҳи ҳозир ҳам мамлакат барқарорлиги учун аввалгидек таҳдид солаётир. У журналистларга берган интервьюсида, агар «Ал-Қоида» ўзига етарли куч тўплай олса, истаган вақтда зарба бера олиши мумкинлигини ҳам таъкидлаб ўтган.

АҚШ аҳолиси ҳам террорчилик хавфидан жиддий ташвишга тушмоқда. Аксарият америкаликлар мамлакатда «Ал-Қоида» гуруҳининг жосуслари борлигига шубҳа қилмаяпти. Уларнинг таъкидлашича, жосуслар мамлакатнинг турли ҳудудларида яшириниб, ҳаракат бошлаш учун қулай вазият ва буйруқ кутаётган бўлиши мумкин.

Фазлиддин АРЗИЕВ,
ЎзА шарҳловчиси

● Республикамиз Мустақиллигининг 12 йиллиги олдидан

Фақат Истиқлол туфайлигина ўзига хос демократик ҳаёт тарзи билан ҳисоблашиш пайти келди. Ваҳоланки, шўролар ҳукумати давридаги ҳукмрон тузум ва мафкура маҳаллаларни расман тан олмасди ва уни жамиятни бошқариш тизимига киритмасди. Шунингдек, маҳаллалар учун молиявий-хўжалик фаолият юргизиш ҳам тақиқланган эди. Маҳаллаларнинг Мустақиллик йиллари давомидаги аҳамияти ва моҳияти ҳақида тўхталиб, Юртбошимиз Ислом Каримов шундай деб таъкидлайдилар:

«...Ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, одамларнинг бошини қовуштириш, турар жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашда, ўзини ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли, аҳамияти ва моҳияти кундан кунга ошиб бораётганлигини барчамиз кўриб турибмиз».

МАҲАЛЛА РАВНАҚИ - ИСТИҚЛОЛ МАҲСУЛИ

Омма ақлу заковати ҳамда тарихий тажрибаси асосида яратилган бундай ташкилий тизим хорижий мамлакат тадқиқотчиларининг ҳам диққат эътиборларини жалб этмоқда. Улар мамлакатимиздаги осойишталик ва барқарор тинчликнинг, бунёдкорлик ва ободончиликнинг сабаб ва манбаларини излар эканлар, уларнинг бош омили маҳаллалар, деб эътироф этмоқдалар.

Мустақиллигимизнинг ўн икки йили давомида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ижтимоий масалалар билан шуғулланувчи комиссиялари икки марта, Калифорния университетининг профессорлари, Япония хотин-қизлар делегацияси, Мис ва Логоя-Университети гуманитар ва ижтимоий фанлар факультети профессорлари Чигеру Кадама, Катцуа Ичихачи, Ўзбекистон Республикасида Соғлиқни сақлаш ва медицина тизимини ислоҳ қилишнинг боришини кузатувчи Фуде Такойоши, Австралия ва Қўшни Қозоғистон Республикаси делегациялари бизнинг Алишер Навоий номли маҳалламизга ташриф буюришиб, ободончилик, таълим-тарбия, миллий қадриятларимизни тиклаш ва янада такомиллаштириш, айниқса аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш соҳаларидаги фаолиятига ижобий баҳо бердилар.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти қошидаги Давлат ва Жамият қурилиши академияси ва Республика ўрта мактаб директорлари малака ошириш институти тингловчиларининг ҳам маҳалламизга бир неча бор ташриф буюришлари ўз-ўзини бошқариш тизимининг янада такомиллашувида катта ёрдам бўлди.

2002 йил кўрик-танловининг ғолибларидан бири бўлган маҳалламизда «Маънавият-маърифат» уйи, кутубхона, маҳалла «дарсхонаси», қариялар учун алоҳида хоналар ва мажлислар зали мавжуд. Маҳалланинг бош ҳомийси Охунбобоев номли ширкат хўжалигидан ташқари яна икки нафар ҳомий маҳалламизга 1 миллион сўмдан ортиқ ёрдам кўрсатишди. Натижада спортнинг футбол, стол тенниси, волейбол, шахмат-шашка ва миллий кураш турлари жонланиб, фарзандларимиз ёзги таътилдаги бўш вақтларини мазмунли ўтказмоқдалар. Маҳалланинг ёш қизлари учун зардўзлик тўгараги ҳам очилган бўлиб, ҳафтасига икки кундан машғулот ўтказилмоқда.

Маҳаллада «Оила-мактаб-маҳалла» тизимининг талабларига қатъий риоя этиш, ёшлар онгига ҳуқуқий билим, ҳуқуқий маданиятни ва миллий мафкурани сингдириб бориш, уларни тарихий музей, театр ва қадимий шаҳарларга экскурсияларга олиб бориш, истиқлолимиз шарофати билан қад кўтарган ва қурилаётган улкан иншоотлар билан таништириш, бир томондан уларда она-Ватанга, унинг қадимий тарихи, маданиятига ва ҳозирда эришилаётган улкан ютуқларига ҳавас, меҳр-муҳаббат, фахр ва ғурур билан қараш туйғусини шакллантирса, иккинчи томондан, уларни диний экстремистик, ақидапарастлик каби зарарли оқимлар таъсирига берилишидан сақлаб қолишда муҳим аҳамиятга касб этмоқда.

Айниқса, шу йилнинг июнида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Тошкент туман бўлимининг ёрдамида қаровчиси йўқ ва кам таъминланган оилалар фарзандларидан 45 нафарини Тошкент Ленд боғига бепул томошага олиб бориб, уларниг ҳар бирига қимматбаҳо совғаларнинг ҳадя этилиши болаларимиз қувончига қувонч қўшди.

Буюк Истиқлолимизнинг қисқа 12 йили давомида маҳаллаларимиз қадрият ва миллий урф-одатларимизнинг ҳақиқий бешигига айланди.

Умуман, маҳалла жамиятимиз учун том маънодаги ишончли таянч ва куч бўлиб қолдики, ҳатто ҳукуматимизнинг аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш сиёсати ҳам бу масканда муваффақиятли ва адолатли ҳал этилмоқда.

«Қарияларни қадрлаш» ва «Обод маҳалла йили»да кам таъминланган, ночор қатламлар-кексалар,ногиронлар, қаровчисини йўқотганлар ва кўп болали оилаларга давлат томонидан ижтимоий муҳофазага ажратилган маблағлардан 11915573 сўм, маҳалланинг саховатпеша ҳомийлари ҳисобидан эса 750 минг сўм ёрдам кўрсатилди.

«Обод маҳалла» йили дастурларидан келиб чиққан ҳолда урф-одатларимиздаги ортиқча томонларни чигириб ташлаб, улардан тежалган маблағлар оила фарзандларининг яхши кийиб, яхши ўқишлари учун сарфланмоқда. Ободонлаштириш ишларимиз ҳам дастур асосида бормоқда. Янги гулзорлар ташкил этилди, маҳалла хонадонларининг деярли барчасига газ ҳисоблагич аппаратлари ўрнатиб бўлинди. Қишки мавсумга тайёргарлик кўриш учун газ ва сув масалалари бўйича тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларни амалга ошириш Мустақиллигимизнинг 12 йиллик байрамигача режалаштирилган.

Огоҳлик ва ҳушёрликни қўлдан бой бермай, аҳиллик ва иноқликда ҳаёт кечириб, бир ёқадан бош чиқариб, умуммақсад йўлида ҳамжиҳат бўлсак, маҳаллаларимиз бундан ҳам кўркам ва гўзаллашиб боришига ишончимиз комил.

Суратларда: **Маҳалла ҳаётидан лавҳалар**

Тошкент вилояти

Эркин ҒУЛОМОВ,
Тошкент туманидаги Алишер Навоий номли маҳалла оқсоқоли.

● Бир йиғинда бир кун

Андижон вилояти

ТЎРАОБОД ТОМОНЛАРДА

Хўжаобод туманида бўлганимизда "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмасининг раиси Карим ака Усмонов билан машинанинг ўзидаёқ суҳбатимиз қизиди. У маҳаллаларда рўй бераётган кўплаб янгиликлар, фуқаролар билан ўзаро муносабатдаги ижобий ўзгаришлар тўғрисида гапирди:

- Сиз қандай ўйлайсиз, нима учун фойдали ғоялар бирдан амалга ошавермайди. Мен узоқ вақт спорт билан шуғулланган ва собиқ ҳарбий киши сифатида шуни айтишим мумкинки, қатъий интизом муваффақиятни таъминлашда энг муҳим омилдир. Масалан, айтайлик, туманимиз ҳокими Қобилжон Қирғизбоев ўз вазифасига яқинда келган бўлишига қарамасдан, бизнинг мулоҳазаларимизни диққат билан тинглайди ва кейин ўзи ҳам тавсиялар берган ҳолда бизни қўллаб-қувватлайди. Мана шунинг учун ҳам ҳокимлик билан ҳамкорлигимиз ҳамиша яхши самаралар бераётир.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси халқ томонидан сайланади. Лекин бизнинг уларга бўлган талабимиз бошқачароқ, яъни бу вазифадаги шахс биринчи галда жуда саводли, дунёқараши кенг ва айни пайтда ўзига топширилган вазифаларга халқ манфаати нуқтаи назаридан қараган ҳолда ўта масъулиятли бўлмоғи керак. Шундайлар сирасига Тўраобод маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Миробид Қодировни киритиш мумкин.

М.Қодировнинг хонаси ихчам, ёнида эса маҳалла фаоллари учун қурилган хоналар мавжуд экан. Унинг қисқа ахборотидан маълум бўлдики, маҳаллада 530 оила истиқомат қилади. Фуқаролар сони 2730 кишини ташкил этади. Хонадонларнинг 80 фоизи тоза ичимлик суви, 100 фоизи эса газ билан таъминланган. 3 йил мобайнида оилаларда фақатгина икки марта ажралиш ҳолати қайд этилган. Турли диний оқимларга адашиб кириб қолганлар, ичкиликбозлар, гиёҳвандлар умуман йўқ. Кўпчилик аҳоли ширкат хўжалигига қарашли иссиқхонада ишлайди ва кичик, ўрта бизнес билан шуғулланади.

Маҳаллада саховатпеша кишилар ҳам етарли экан. Масалан, яқинда 18 нафар тадбиркор ҳудуддаги мактабни таъмирлаш учун тегишли маблағ ажратди. Улардан бири Ғайрат Эргашев эса эски, нурай бошлаган клуб ўрнида катта замонавий спорт залини бунёд этишга бошқош бўлди. Айни пайтда бу ерда маҳалла ёшлари спортнинг каратэ ва таэквондо турлари билан шуғулланмоқда. Фахр билан айтиш мумкинки, ана шу "Гаэр" клубининг бир аъзоси ўз вазнида Ўзбекистон чемпиони деган юксак унвонга сазовор бўлди.

Клубнинг улкан залида ўндан ортиқ замонавий тренажёр бор экан. Кечга яқин бу ерда ишлар қизғин тус олишини гапириб беришди. Спорт ишқибозларининг 10 фоизини қизлар ташкил этар экан. Йиғин раисининг бир ойга мўлжалланган режасидан "Мактаб куни" ҳам алоҳида ўрин олган. Ота-оналар қўмитаси, ҳомийлар, маҳалла йиғини вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари иштирокида эсда қоларли тадбир ўтказилиши одат тусига кирган. Унда "Маҳалла халқ университети" тингловчилари ҳам қатнашиши кўзда тутилган.

Маҳалладаги янгиликлар, янгича удум ва одатлар хусусида Миробид ака шундай деди:

- Биз янги одатлар, расм-русумлар, ота-боболаримиздан мерос удумларни ўтказиш борасида тез-тез суҳбатлар, учрашувлар ўтказиб турамиз. Тўйларни ихчамлаштириш юзасидан одамлар орасида ўтказган суҳбатларимиз яхши самара берди. Масалан, аввал беш кун давом этган тўй бир кунда ниҳоясига етказилмоқда. Илгари катта дабдаба билан ўтадиган суннат тўйи ҳозир қариндош-уруғ, яқинлар иштирокида жуда ихчам тарзда ўтаётир. Суҳбатлардан бирида кўпчилик отинойилар фаолияти тўғрисида турлича фикр-мулоҳазалар билдиришди. Шундан кейин биз уларни туман миқёсидаги йиғилишга чақириб, улар билан алоҳида машғулотлар ўтказдик.

Биз ҳамроҳларимиз билан маҳалладаги биринчи дуч келган хонадонга кириб бордик. Янги қурилган уй, айвонга солинган гиламлар, ҳовли чеккасида енгил машина хонадон соҳибларининг фароваи яшашидан дарак берарди. Суҳбатдан маълум бўлдики, хонадон соҳиби 4 гектар ерда деҳқончилик билан шуғулланар, маҳсулотларини ҳатто шартнома асосида қўшни мамлакатларга ҳам сотар экан. Уй бекаси эса кийим тикиш-бичиш билан шуғулланар, бу касбга бошқа қизларни ҳам ўргатар экан. Булардан ташқари хонадонда 2 бош сигир, 4 бош қўй боқилаётир. Уйга кираверишдаги кичкина дўконча ҳам унга қарар, бу ерда у ўз хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни сотар экан.

Ҳудудни айланар эканмиз, бу ерда муқаддас қадамжо машҳур табиб Қамбар ота қабрини зиёрат қилдик. Бир пайтлар ташландиқ ҳолга тушиб қолган бу қадамжо эндиликда обод қилинган эди. Уни янада ободонлаштириш учун эса бир тадбиркорга биркитиб беришибди. Бу ерни зиёрат қилгач, қудуқдан муздеккина сув ичиб, қайтишга ҳозирландик. Одамлар билан мулоқотларимиздан шундай хулосага келдикки, улар яратиб берилган шарт-шароитга яраша меҳнат қилмоқдалар. Эртанги кунга бўлган умидларининг рўёбга чиқишига ишончни кўриб, бизда ҳам кўтаринки руҳ пайдо бўлди.

Муяссар МАҚСУДОВА,
Алфия БЕКБЎЛАТОВА.

● Можаро ва тафсилот

ОҚСОҚОЛЛИК ЭЛ ХИЗМАТИДАГИ ВАЗИФА. УНГА ФАҚАТ ЭЛ ИШОНЧИНИ ҚОЗОНГАН КИШИГИНА МУНОСИБДИР.

ЎЗ ҚИЛМИШЛАРИГА БОҚМАЙ НОҒОРА ҚОҚҚАН ОҚСОҚОЛ

Ёки Муборак туманидаги Ёшлик маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Туроб Жумаевнинг нима учун оқсоқолликка муносиб эмаслиги хусусида

Тан олиш керак, айрим жойларда туман раҳбарларининг маҳалла оқсоқолларига тазйиқ ўтказиши, ҳуқуқларини менсимаслик ҳоллари учраб турибди. Бундай ҳолатларда газета имкон қадар оқсоқолни ҳимоя қилишга тайёр. Бундай воқеаларни бир неча бор газетамиз орқали ёритдик ҳам.

Қашқадарё вилояти Муборак туманидаги Ёшлик маҳалласи оқсоқоли Туроб Жумаев ҳам июнь ойининг бошида таҳририятга шундай мазмундаги шикоят аризаси билан келган эди. Шунингдек, у худди шундай шикоят билан муассисимиз Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси Бошқаруви раҳбари қабулида ҳам бўлганди. Шикоят билан танишдик, оқсоқол билан суҳбатлашдик. У туман ҳокимлиги томонидан ўзига нисбатан тазйиқ ўтказилаётгани, ҳаттоки уни вазифасидан ноқонуний тарзда озод қилганлари ҳақида сўзлади. «Оқсоқоллик вазифамни адо этишга туман ҳокимияти ҳалақит бермоқда. Менга нисбатан кетма-кет қонунсиз хатти-ҳаракатлар билан провокация, ғаразгўйлик, ўз мансабини суистеъмол қилиш ҳоллари юз бермоқда!» дея таъкидлади оқсоқол.

Оқсоқол биз билан шикояти асосидаги мақолани тезда чоп этишимизни уқтирауқтира хайрлашди.

Туроб Жумаев 2001 йилнинг май ойидан бери Ёшлик маҳалласига оқсоқоллик қилади. Хўш, у эътироф этган, яъни туман ҳокимлигининг маҳалла оқсоқолига нисбатан салбий хатти-ҳаракатларига сабаб нима?

Вазиятга ойдинлик киритиш мақсадида Муборак тумани ҳокимлиги билан боғландик. Ушбу мурожаатимиз, тўғриғоғи, ҳокимликдан олинган ҳужжатлар дарҳақиқат вазиятга ойдинлик киритди.

Буни қарангки, оқсоқолнинг кейинги йиллардаги таржимаи ҳоли ҳар қандай кишини ҳам ҳайратга соладиган даражада экан. Унинг кетма-кет жиноий жавобгарликка тортилган ҳолда яна оқсоқоллик вазифасини адо қилиши...

...2001 йилда Туроб Жумаев Қашқадарё вилояти жиноят ишлари бўйича суди томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 205-моддаси 2-қисми «а» ва «в» бандлари билан айбдор деб топилиб, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилади. Президентимиз томонидан эълон қилинган амнистия туфайли оқсоқол жазодан озод этилади.

...2002 йилнинг 4 январида Муборак тумани ИИБ бошлиғи вазифасини бажарувчи милиция подполковниги Ш.Курбонов имзоси билан туман ҳокими вазифасини бажарувчи З.Рўзиевга расман билдиришнома жўнатилади. Унда жумладан шундай сўзлар бор: «...Шаҳримиздаги Ёшлик маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Т.Жумаев томонидан келтириб чиқарилаётган оилавий жанжаллар, фуқароларни турли хил сабабларга кўра ҳақорат қилиш, уларга тан жароҳати етказишлар жойлардаги ўз ўзини бошқариш органлари обрўсига путур етказмоқда.

2001 йилнинг ноябрь ойида Т.Жумаев ўзининг ноқонуний оиласи бўлган фуқаро Раида Мирзакеримова билан ўзаро жанжал қилиб, улар орасида бир нафар фарзанд бўлишига қарамасдан яшаб турган уйидан чиқариб юборган...

Туман ИИБ Т.Жумаевнинг бу лавозимда ишлаши мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблайди.»

...2002 йил 28 майда Баҳористон туман жиноят ишлари бўйича суди фуқаро Раиса Христованинг даъвоси бўйича Туроб Жумаевга нисбатан қўзғатилган жиноят ишини кўриб чиқади. Суд ҳукмида келтирилишича, 2001 йил 31 декабрь куни Т. Жумаев Муборак шаҳри 2-миттитуманидаги 1-уйнинг 38-хонадонида истиқомат қилувчи Р.Христованинг уйига келиб, аёлни уриб йиқитади. Сўнгра уни чап елка ва билак қисмига тепиб, тан жароҳати етказади. Т.Жумаев Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 105-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилиб, унга нисбатан ойлик маошидан давлат ҳисобига улуш ундирилган ҳолда икки йил муддатга ахлоқ тузатиш жазоси тайинланади.

Туроб Жумаев оқсоқоллиги учун оладиган маошидан улуш тўлаб, жазо муддатини ўтай бошлайди.

Ўша йилнинг сентябрь ойида туман прокуратураси томонидан бир нечта маҳаллада аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги қонунбузилишларини бартараф этиш мақсадида текширув ўтказилади. Жумладан, бу текширув асосида Ёшлик маҳалласида оқсоқол томонидан бу борада бир нечта қонунбузарликларга йўл қўйилганлиги аниқланиб, бу ҳақда туман прокуратураси туман ҳокимиятига яна бир тақдимнома киритади.

2002 йил 23 ноябрда Муборак тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги З.Обилов томонидан юқоридаги ҳолатларни ҳисоб олиб ва айни дамда ахлоқ тузатиш жазосини ўтаётган Ёшлик маҳалласи оқсоқолининг ўз вазифасига муносиб эмаслиги ҳақида яна бир билдиришнома юборилади. Унда «...Т.Жумаев муқаддам судланган шахс сифатида туман ички ишлар бўлимининг профилактик ҳисобида туради. Муқаддам ҳам шу мазмунда туман ҳокимлигига тақдимнома киритилган бўлса-да, эътиборсиз қолдирилган эди. Туман ички ишлар бўлими унинг бундан буён оқсоқоллик фаолиятини давом эттириши мақсадга мувофиқ эмас, деб билади...» Шунингдек, бундай билдиришнома вилоят ҳокими ўринбосари номига ҳам йўлланганди.

Ажабо, оқсоқол дегани жиноий жавобгарликка тортилгани учун ички ишлар бўлимларида рўйхатда турувчилар билан тушунтириш ишлари олиб бориши керак бўлсаю, бир вақтнинг ўзида ўзи ҳам улар қаторида рўйхатда турса?! Оқсоқолнинг энг биринчи вазифаси маҳаллада тинчлик-осойишталикни таъминлаш бўлсаю, унинг ўзи ана шу осойишталикни бузганлиги учун белгиланган жазони оқсоқоллик фаолияти ҳисобидан ўтаса?! Маҳалладаги оилалар мустаҳкамлигини сақлаш оқсоқолнинг асосий вазифаларидан бири бўлсаю, унинг ўзи оилада ўрнак бўла олмаса?!

Хуллас, 2003 йилнинг 19 апрель куни Ёшлик маҳалласида навбатдан ташқари кенгаш йиғини чақирилади. Бу ҳақдаги, яъни кенгаш йиғинини чақириш ҳақидаги фармойишини 18 апрелда келтирган йиғин котибаси С.Қиличеванинг айтишича, оқсоқол фармойишни йиртиб улоқтирган-у, «Бу маҳаллада мен хўжайинман, ҳеч қандай кенгаш бўлмайди, фақат менинг айтганим бўлади!» дея жазавага тушади. Шу куни яъни, 18 апрель куни кечқурун оқсоқол котибанинг уйига қўнғироқ қилиб «Агар эртага мажлисга чиқсанг ишдан бўшадим деб ҳисоблайвер» дея «огоҳлантириб» қўяди. Эртасига эса маҳалла кенгаши аъзолари ва маҳалла аҳли оқсоқолнинг хатти-ҳаракатларини муҳокама этишча йиғиладилар. Йиғилишда сўзга чиққан кенгаш аъзоларию оддий фуқаролар оқсоқол тўғрисида салбий фикр билдириб, уни вазифасидан озод этиш ҳақида қарор қабул қиладилар. Тўққиз нафар кенгаш аъзоси ва ўнлаб фуқаролар йиғилиш баённомасига имзо чекадилар.

Хўш, Туроб Жумаев-чи? У ҳам, албатта, «қўл қовуштириб» ўтирмаганди. Кейинчалик у вилоят Кардиология маркази томонидан расмийлаштирилган, унинг 18 апрелдан 5 майга қадар юрак зўриқиши туфайли шифохонада даволанганини тасдиқловчи меҳнатга лаёқатсизлик варақасини пеш қилиб, 19 апрелдаги маҳалла кенгаши йиғилиши қарори ноқонуний, яъни унинг ўзи бетоблиги пайтида ишдан бўшатилиши мумкин эмаслигини гўёки «исботлаб қўяди». Энг қизиғи, варақанинг даволаниш тартиби деган қисмига «шифохона тартибида» дея қайд қилинса-да, 21 апрель куни эрталаб унинг «Тико» русумли шахсий машинасида 4 нафар йўловчини 800 сўмдан Қарши шаҳригача «кира» қилдириб кетгани ҳақида Ёшлик маҳалласи фуқароси - йўловчилардан бири Қ.Фарҳодов гувоҳлик беради.

Оқсоқолнинг бизга қолдирган ҳужжатлари бўйича шу йилнинг 7 июнь куни Ёшлик маҳалласида яна бир кенгаш йиғилиши ўтказилади. Кун тартибига маҳалла кенгашининг 19 апрель кунги қарорини бекор қилиш масаласи қўйилади ва қарор бекор қилинади. Баённомада йиғилишда кенгаш аъзоларидан 14 киши қатнашди, дея кўрсатилган. Лекин уларнинг на исми-шарифи бор, на имзоси. Йиғилиш раисию котибаси имзоси қўйилган баённоманинг бир нусхаси ҳокимиятга жўнатилади. Оқсоқол ҳокимиятдаги мутасаддиларга унинг ваколатларини тан олмаганликлари учун газетага, яъни «Mahalla»га шикоят қилишини айтадию, таҳририятга йўл олади.

Биз Туроб Жумаевнинг оқсоқоллик фаолиятига оид воқеа тафсилотларини унинг ўзи ва Муборак тумани ҳокимияти ҳамда прокуратураси ва ички ишлар бўлими тақдим этган ҳужжатлар асосида тасвирладик. Қарангки, оқсоқолнинг туман ҳокимлигининг, шахсан ҳокимнинг унга тазйиқ ўтказаётгани ҳақидаги даъволари ҳам асоссиздир. Чунки унинг хатти-ҳаракатлари турли даврларда турли раҳбарлар томонидан салбий баҳоланган.

Хуллас, бу ўринда кўплаб мулоҳаза ва фикр билдириш, вазиятни таҳлил қилиш мумкин. Лекин ортиқча изоҳга на ҳожат? Туроб Жумаев ўз мансабини суистеъмол ва давлат мулкини талон-торож қилганида, аёл кишини калтаклаб тан жароҳати етказганида, фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлашда қонунни бузганида, хуллас қайта-қайта судланиб турганида унинг оқсоқолликка лойиқ нолойиқлиги хусусидаги саволга қандай жавоб бўлиши мумкин?! Бу ҳаммага аён-ку!

Мавлуда ҚОСИМОВА,
«Mahalla» мухбири.

ПОЙТАХТДА "МАҲАЛЛА КУНИ"

Обод маҳалла йили муносабати билан Тошкент шаҳри бўйича ўтказилган кўрик-танлов ғолиблари:

Туман	Маҳалла	Йиғин раиси
"Энг обод маҳалла" номинацияси бўйича		
С.Раҳимов	Мирзо Ғолиб	Диловар Мирбобоев
Сирғали	А.Жомий	Эргаш Сагатов
Юнусобод	Ш.Мансурхўжаев	Шавкат Толипов
"Ибратли маҳалла оқсоқоли" номинацияси бўйича		
С.Раҳимов	Беруний	Саидаҳмад Обидов
Шайхонтоҳур	Янгикомолон	Қаҳҳор Содиқов
Юнусобод	Қўшчинор	Ихтибор Долиева
"Энг тадбиркор маҳалла" номинацияси бўйича		
Яккасарой	Ю.Ражабий	Михаил Киктев
Бектемир	Обод	Қулбой Ҳамроев
Сирғали	Баҳор	Ҳаким Исроилов
"Энг яхши маҳалла хотин-қизлар кенгаши раисаси" номинацияси бўйича		
А.Икромов	Катта қаъни	Муҳтабар Юсупова
Ҳамза	И.Юсупов	Барно Акбарова
С.Раҳимов	Қорасарой	Ҳадича Зокирова
"Энг яхши маҳалла педагог-тарбиячи"си номинацияси бўйича		
Яккасарой	Дамариқ	Хайринисо Жаъфарова
Сирғали	Нилуфар	Гулнора Куранбоева
Миробод	Файзиобод	Анвар Ислоимов
"Энг обод кўча" номинацияси бўйича		
Ҳамза	Наврўз	Лисунов номли кўча 4-мавзеси
А.Икромов	А.Тожиев	А.Тожиев номли кўча
М.Улуғбек	Ф.Хўжаев	Ф.Хўжаев номли кўча
"Энг яхши маҳалла посбонлари сардори" номинацияси бўйича		
Чилонзор	Қатортол	Шавкат Нормаматов
Юнусобод	2-Отчопар	Абилқосим Қораев
М.Улуғбек	Навбаҳор	Файзулла Қаландаров

Суратларда: Тошкент шаҳар Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси Рихситилла Акрамов ғолибларга совға топширмоқда.
"Маҳалла куни" тадбиридан лавҳалар. *Рустам ШАГАЕВ ва Ҳакимжон СОЛИХОВ олган суратлар.*

(Боши 1-бетда)

Гузарлар қурилмоқда, кичик ва ўрта бизнес ривожланмоқда, ҳунармандчилик, касаначилик ҳаракати қанот ёзаётир. Бунинг самараси ўлароқ юзлаб ёшлар ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилаяпти. Бунинг нимаси ёмон, ахир. Ёки инсон ҳаётининг гултожи бўлган тинчлик-осойишталикни барқарорлаштириш масаласини олиб кўрайлик. Ахир, унинг пойдевори қўйилади-ку. Маҳалла тинч - юрт тинч, деган ибора ҳам ана шу тушунчани ифодаламайдими?! Демак, қисқа қилиб айтганда, фидойи оқсоқол ўз ҳудудида ҳамма нарса учун жавобгарликни зиммасига олиб фаолият юргизади: ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, тиббиёт, халқ таълими ва бошқа ташкилотлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатади. Келажак авлоднинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиши йўлида елиб-югуради. Тўйлар, бошқа маросимларни замон зайлига мослайди. Болалар спортини ривожлантиришга жон қуйдиради. Аҳолининг ёрдамга муҳтож қисмини ижтимоий ҳимоялаш масаласи бугунги ва эртанги кун тартибидан тушмайди.



Юқоридаги каби мақсадларни кўзда тутган байрам тадбирларидан пойтахтимиз туманларидаги илғор, намунали маҳаллалар ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи стендлар, тадбиркорлар ишлаб чиқарган миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси ҳам ўрин олган эди.

- Ёшларга касб-ҳунар ўргатиш орқали иш ўринларини очиш асосий муддаомиз, - дейди Бектемир туманилик тадбиркор Эшмўмин Бобоёров. - Ўзингизга маълум, тўйларимиз, юбилейларимизда энг яхши совға бу - гиламдир. Аҳолининг ана шу буюмга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб, гилам тўқишга ихтисослаштирилган кичик цех очдик. Аввал тўрт ойлик курсларимизда ўғил-қизларга тўқиш сирларини ўргатамиз. Кейин иш билан таъминлаймиз. Ҳозирча бу йўналишдаги ишларимиз чакки эмас.

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосарлари Анвар Аҳмедов, Фарида Абдураҳимова ва Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов йиғилганларни "Маҳалла куни" билан табриклаб, энг эзгу тилакларини билдиришгач, Обод маҳалла йили муносабати билан ўтказилаётган кўрик-танловнинг ғолиблари ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлди. Унда 7 номинация бўйича шаҳар кўрик-танловларининг якуний натижасига кўра ғолиблар эълон қилинди.

Шунингдек, кўрик-танлов ғолиблари ва совриндорларига шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси ҳамда ушбу жамғарманинг шаҳар бўлими фахрий ёрлиқлари, қимматбаҳо совғалари ҳадя этилди. Уларни Республика Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси бошқаруви раиси Аъзамжон Гадойбоев ҳамда Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгани, "Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлими раиси Рихситилла Акромов топширдилар.

Мамлакатимиз таниқли хонанда-ю созандалари, хусусан, "Ялла" ансамбли, "Диёр" гуруҳи, "Умид юлдузлари" фестивали совриндорлари, раққосаю аскиячилар байрам тадбирига кўтаринки руҳ бағишладилар.

Абдунаби МАННОПОВ,
"Mahalla" мухбири.

Жарқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини шундоқкина шаҳар атрофида жойлашган. Ҳудуди кенг. Норали Боймуродов номли ширкат хўжалиги, ўндан ортиқ ташкилот, корхона, муассасалар унинг ҳудудида. Аҳолиси 17 минг нафардан ортиқ. Қишлоқ йиғинига Абдурасул Зоиров раҳбарлик қилади.

Тома-тома кўл бўлур — Сурхондарё вилояти

ИМКОНИЯТЛАР ЁНГИНАМИЗДА

УНДАН ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИШ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Йиғин таркибида еттита маҳалла бор. Ҳафтанинг ҳар сешанба куни қишлоқ йиғинида маҳалла оқсоқоллари, котиблар, посбонлар, педагог-мураббийлар тўпланишади. Ҳафта давомида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинади, навбатдаги режалар белгилаб олинади. Ҳужжатлар устида ишлашда йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилади.

Ана шундай йиғилишларнинг бирида А.Зоиров маҳаллаларнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш имкониятлари ҳақида фикр юритди.

- Имкониятларни ишга солишни ўрганишимиз керак, - деди у. Улардан бири газдан, электр энергиясидан, ичимлик сувидан тушадиган тушумларни йиғишга кўмаклашишимиз керак. Кейин, чиқиндиларни чиқариб ташлаш учун хонадонларда имкониятлар жуда кам. Бизнинг эса қўлимиздан келади. Транспортли тракторни ширкат хўжалигидан сўраймиз. Ҳатто ёқилғидан ҳам ёрдам беришади.

Бу фикр айрим маҳалла оқсоқолларига ёқмади. Сўнг масаланинг моҳияти, йиғиндарнинг иқтисодий аҳволини ўнглашга, чиқиндиларни чиқариш эса хонадонлар тозалигига, ободончиликка қаратилганлигини тушуниб етгач ҳамма рози бўлди. Хизмат кўрсатиш корхоналари билан фуқаролар ўртасида шартномалар тузилди.

Йил боши эди. А.Зоировни ишхонасида учратдим. У маҳалла оқсоқолларидан тушумларни йиғиш аҳволи тўғрисида ҳисобот сўрарди.

У бир неча маҳаллага қўнғироқ қилгач, кайфияти кўтарилди. Демак, ишлар яхши кетаётган эди. Ҳа, бирор тадбир ўтказишда маблағ йўқлигидан нолиб юришган оқсоқоллар энди ўзларининг сармоясига эга бўлишди. Банкда ҳар бирининг жорий ҳисоби очилган. Анчамунча маблағга эга. Аммо пулнинг ҳар бир сўми қатъий ҳисобда. Хайрли тадбирлар ўтказишда оқсоқолларнинг ҳеч кимдан тили қисиқ бўлмаяпти.

Қишлоқ йиғинидаги ҳар бир маҳаллада кам таъминланган оилалар, бетоб кишилар, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, унга тенглаштирилган фахрийлар ижтимоий қўллаб-қувватланмоқда. Ўтган йили ана шундай кишилардан уч юздан ортиғига баҳоли қудрат моддий ёрдам кўрсатилди. Йигирма беш оилага ун, буғдой, гуруч, ёғ тортиқ этилди.

Қишлоқ йиғинида ҳар бир кекса ҳисобда. Ўтган йили мунис онахонлар, нуроний отахонлар учун уч маротаба алоҳида тўкин дастурхон ёзилди, совға-салом улашилди. Икки юзга яқин қария табаррук қадамжоларни зиёрат қилиб қайтди. Сарф-харажатлар эса тушумлар ҳисобига жамғарилган маблағдан кетди.

- Бундай саранжом-саришталик, - дейди мамнуният билан қишлоқ оқсоқоли Абдурасул Зоиров, - биз кўрган тадбирнинг натижаси. Чиқиндилар уюлиб қолмаяпти. Пешма-пеш ташиб кетиляпти. Ширкат хўжалиги икки трактор ажратди. Маҳалла йиғинларининг бюджети эса ойига 25-30 минг сўмга кўпайиб боряпти. Тома-тома кўл бўлур, деб бежизга айтишмаган.

Омон ШУКУРОВ,
«Mahalla» мухбири.

Қашқадарё вилояти

ЧАРМГАРДА СПОРТ МАЙДОНЧАСИ

Чармгар-Қарши шаҳридаги йирик, энг кекса маҳаллалардан бири. Кўплаб янгилик, ташаббус ана шу маҳалладан чиқади десак муболаға бўлмас. Бунинг боиси шундаки, маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эркин Файзиев тиниб-тинчимас, ғамхўр, фидоий инсон. У доимо изланади, режа тузади ва албатта ҳар қандай масаланинг фойдали, ижобий ечимини топади.

Мамлакатимиз Президентининг болалар спортини ривожлантириш тўғрисидаги ғамхўрликларидан у ўйланиб қолди. "Тўғри, маҳаллаларда спортнинг шахмат, шашка, миллий кураш каби турлари билан шуғулланиш учун бир қадар имкониятлар бор. Лекин 62 маҳалланинг бирортасида стадион, спорт майдончалари мавжуд эмас. Имконият яратиб бермаймиз-у, спорт билан шуғулланмайсизлар деб қойиймиз. Машина серқатнов кўчаларда тўп тепасизлар, қўшнилар ойнасини синдирасизлар, дейишдан ҳам қайтмаймиз. Дурустроқ ўйлаб кўрсак, уларда нима айб? Ахир чоғроқ бўлса ҳам стадион бўлгани яхши-да".

Аксига олгандек маҳалла ҳудудидаги А.Навоий ва Фурқат номли мактабларда ҳам спорт билан шуғулланадиган дурустгина спорт мажмуаси йўқ.

Оқсоқол фаоллар, тадбиркорлар билан маслаҳатлашди. Уни ҳамма қувватлади. Кейинги пайтларда чиқиндихонага айланган 1,5 гектарли ташландиқ ер тозаланадиган, унинг ўрнида волейбол, баскетбол, футбол майдончалари барпо этиладиган бўлди. Хайрли ишни қўллаб-қувватлайдиган, имкон қадар ёрдам кўрсаталиган ҳомийлар, жонкуяр инсонлар, ташкилотлар ҳам топилади. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қарши шаҳар кенгаши 500 минг сўмлик 30 жуфт спорт кийимлари, 2 жуфтдан волейбол, футбол тўплари ва баскетбол қалқони совға қилди. Шаҳар прокурорининг ҳиммати билан волейбол ҳамда баскетбол майдончалари асфальтланди. Ўйингоҳ қурилиши учун 1,5 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

- Маҳалламиз шаҳарнинг деҳқон бозори атрофида жойлашган, - дейди маҳалла педагог-тарбиячиси ва спорт мураббийси Эргаш Ҳалимов. - Педагогика амалиётидан маълумки, бозор, шоҳбекат сингари кишилар гавжум жойлардаги ёшларда ножўя ҳаракатларга қўл уришга, катталарнинг "кўча одатлари"га тақлид қилишга интилиш кучли бўлади. Спорт майдончасининг ишга туширилиши, биринчидан, турли спорт машғулотлари билан шуғулланишга имкон яратган бўлса, иккинчидан, ёшларимизнинг жисмонан соғлом, маънан баркамол бўлишларига ёрдам беради.

Бугун мўъжазгина спорт майдончаси маҳалла ёшлари билан гавжум. Энди улар ишдан, ўқишдан бўш вақтларини беҳуда ўтказишмаётир.

- Ўйингоҳимиз барча талабларга жавоб беради, бу ерда турли мусобақалар ўтказиш учун шароитлар мавжуд, деган фикрдан тамоман йироқмиз, - дейди маҳалла оқсоқоли Э.Файзиев. - Лекин кичик, барча имкониятлар бўлмасада спорт майдончасининг ўзингда бўлганига нима етсин. Энди камчиликларни сезган сари талабларимиз ҳам ортиб бораяпти. Эндиги навбат болалар учун чўмилиш бассейни барпо этиш. Буни тезда амалга ошириш учун етарли шароит мавжуд.

Маҳалла ёшларининг қувончи чексиз. Улар ўз жамоаларини тузиб дастлабки мусобақаларни бошлаб юборишди. Яқин орада кийимларида "Чармгар" ёзуви бор ёшлар вилоят, республика кўрикларида майдонга чиқиб ғолиблар қаторидан ўрин олсалар не ажаб.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Наманган вилояти

Спортчи оилалар

ТОШ ЎЙНАГАН ИСМОИЛ АКА

Поп шаҳрининг Фурқат номли маҳалласида яшрвчи Исмоил ака Улуғбоев ва Бузаҳро опа Даминовалар хонадонини спортчилар оиласи дея аташади. Нега-ки, оила бошлиғидан тортиб,фарзандларининг барчаси спортга меҳр қўйган.

Исмоил ака яқинда пенсияга чиқди. Узоқ йиллар туман машина-трактор паркида ишлаб, эл ишончини қозонди. Бузаҳрохон опа эса Дўстлик маҳалласида котибадик қилади.

-Спорт жону дилим, - дейди хонадон соҳиби, - ҳар тонг бадантарбия қиламиз. Эрталабки машғулотлар киши саломатлигига кони-фойда. Ақлингиз тиниқлашиб, қон юриши тезлашади, кайфиятингиз кун бўйи чоғ юради. Энг маҳими, танангиз соғломлашиб, касал нима билмайсиз.

-Сизларни нафақат спортчи, балки чемпионлар оиласи деб ҳам аташаркан...

-Катта ўғлим Аъзамжон ҳозир Корея Республикасида. Спортнинг бирор туридан чемпион бўлмаган эса-да, лекин ҳеч қачон машқулотларни канда қилмайди. Шуҳратжон 12 автокорхонада ишлайди. Боксдан вилоят чемпиони бўлган.Тоҳиржон ички ишлар бўлимида хизмат қилади. У 1992 йилда Туркманистонда ўтказилган бокс бўйича Осиё чемпионатида учинчи ўринни қўлга киритган. Ёки карра мамлакат чемпиони. Кенжамиз Исроил ҳам ўз вазни тоифасида республика чемпиони. У Андижондаги спорт интернатида таниқли профессионал боксчилар Муҳаммадқодир Абдуллаев, Ўткир Ҳайдаров, Сергей Михайловлар билан бирга ўқиган. Барча фарзандларим бир-бирига ҳавас қилиб спортчи бўлишди. Бу мен учун катта бахт.

-Акангизнинг ўзлари ҳам ўғилларидан кам эмаслар, - дейди Бузаҳрохон опа, - ҳув анатда турган 32 килолик тошларни кўтариб, худди полвонлардек ўйнатадилар. Президентимиз айтганларидек, спорт билан шуғулланувчи оилалар, фарзандларимиз қанча кўпайса-соғлом турмуш тарзи шаклланади,миллатимиз бақувват, наслимиз соғлом, болаларимиз ҳаёт синовлари ва қийинчиликларидан қўрқмайдиган, иродаси мустаҳкам бўлади. Ҳар бир оила Президентимизнинг ана шу истакларини амалга ошириш учун ҳаракат қилмоғи керак...

Бахтиёр ТУРДАЛИЕВ.

Тарихдан тарқдай тадқиқот

ХОРАЗМ ШОТА РУСТАВЕЛИ ТАЪРИФИДА

ёки Жалолиддин Мангуберди унинг асаридаги ишқий мавзудаги қаҳрамонлардан бирими?

Ўз ватани ва унинг тарихини севган кишига узоқ ўтмишда яратилган асарлар ва тарихий ҳужжатлардан учраган ҳар қандай янги маълумот қизиқарли ва муҳимдир.

Грузин шоири Шота Руставелининг (XII аср охири ва XIII аср бошларида яшаб ижод қилган - А.Ҳ.) "Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон" номли достони бундан саккиз аср муқаддам яратилган бўлиб, унда бизнинг ватанимиз, аниқроғи, Хоразм давлати ҳақида баъзи маълумотлар мавжудлиги ғоят эътиборга сазовордир.

Маълумки, "Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон" достони* ҳиндистонлик лашкарбоши, паҳлавон Тариэлнинг шу мамлакат подшоси Ростевоннинг беҳад гўзал қизи - Нестон Дарижонни қандай севиб қолгани, Дарижон ҳам бунга жону дилидан рози бўлгани, лекин бунга қиз отасининг фикр-мулоҳазалари тўғри келмагани тасвиридан бошланган.

Гап шундаки, Ростевоннинг Нестон Дарижондан бошқа фарзанди йўқ бўлиб, уни тахтга ворис масаласи қийнар, у оилавий масалага давлат манфаатлари нуқтаи назаридан ёндошиб, ўзи ўлганда қизи подшоҳ бўлиши кераклигини хаёлидан кечирар эди. Тариэл билан биринчи сухбатда у бу тўғрида шундай дейди:

Ҳоқон деди: - Йиллар ўтар, чолман - ўрним тўрдадир.

Аммо сўнгги куним яқин, бир оёғим гўрдадир.

Қизимиз бор, менга ўғил бермагандир Худованд.

Мен ўлганда, ҳинд тожига лойиқ ворис қиз-фарзанд.

Ростевоннинг бу муҳим ҳаётий муаммо билан боғлиқ ўй-фикрларида қизи - Дарижонни мамлакатни ташқи душманлардан ҳимоя қила оладиган куёвга узатиш ғояси устунлик қила бошлайди. Қизи ва Тариэл ўртасидаги муносабатлардан бутунлай бехабар подшоҳ бу хусусда Тариэлга дейди:

- Баҳодирлар аро борми, айт, ўзимдай мард биров?

Салтанатни топширайин, - бўлса лойиқ бир куёв.

Эга бўлсин мулкимизга шундай доно, жанговар.

Ёв қиличи сололмасин бошга қўркув ва хатар.

Кўринадики, Ростевоннинг салтанатнинг келажаги ҳақидаги мулоҳазалари тобора чуқурлашиб, аниқлик касб эта бошлайди. У ўйлаб-ўйлаб, охирида ўз мамлакати билан чегарадош бўлган Хоразм подшосининг ўғлини ўзига энг маъқул куёв деб топади ва фахр билан Тариэлга дейди:

Ҳоқон деди: - Хоразмшоҳ ўғли каби йўқ биров!

Фақат ўша бўла олур шаънимизга боп куёв!

Ёв - қўшни давлат ҳамда унинг ҳукмдори шаънига айтилган ниҳоятда самимий ва олийжаноб гаплар эди. Ростевоннинг бу мулоҳазаларини хотини ("малика") ҳам тўла маъқуллайди ва дейди:

Малика ҳам маъқуллаб дер: - "Шаҳзода хўп ўринлик!

Таги-туглик, топиб бўлмас бундай куёв кўримлик".

Тариэл подшоҳ ва унинг хотининнинг хоразмлик шаҳзода ҳақидаги бу сўзларидан ич-ичидан эзилса ва ўзини таҳқирланган деб сезса ҳам, лекин ўз норозилигини уларга билдирмай, ташқарига чиқиб кетади.

Шундан кейин Ростевон Хоразмшоҳ номига қуйидаги хатни ёзади:

Ҳоқон дарров нома ёзди Хоразмшоҳ номига:

- "Ўғлинг келиб, устун бўлсин давлатимиз томига.

Ёлғиз қизим - ворисимдир, тожим унга қолади.

Шаҳзодани юбора кўр, - кўнглимиз шод бўлади".

Хоразмшоҳ ҳам бу таклифни катта шодиёна билан қабул қилади. Икки томонда дарҳол тўйга тайёргарлик бошланади. Бироқ Тариэлни қаттиқ севган Нестон Дарижон, қолаверса унга яқин сарой аҳллари, хусусан Тариэлга тарафдор кучлар бунга қарши чора ва тадбирлар кўриб, ҳарбий тўқнашувда Хоразмшоҳнинг ўғли ўлдирилади. Тариэл ва Нестон Дорижоннинг бошларига эса кутилмаганда бундан ҳам оғир қийинчилик ва ташвишлар ёғилади. Улар ўз мақсадларига кўз кўрмаган ва қулоқ эшитмаган курашлардан кейингина эришадилар.

Бу достондаги воқеа ва ҳодисалар Ҳиндистон, Арабистон, Хитой, Грузия, Хоразм каби бир қанча мамлакатлар ҳудудида юз берган бўлиб, уларнинг аксарияти шоирнинг ижодий фантазияси асосида тасвирланган. Лекин баъзи ҳолларда Руставелининг ҳаёт ҳақиқатларига суянгани, уларга яқин келгани ҳам кўзга ташланиб қолади. Буни айниқса унинг Хоразм билан боғлиқ тасвирларида кузатиш қийин эмас. Чиндан ҳам бу достон қоғозга тушаётган вақтда яъни XII асрнинг охири ва XIII аср бошларида Хоразм давлати Яқин Шарқдаги энг катта, ҳарбий жиҳатдан ҳам кучли бўлиб, қўшни давлатлар, шу жумладан Ҳиндистон ҳам буни тан олган. Масалан, Такаш Хоразмшоҳ ҳукмронлиги вақтида (1172-1200) Эроннинг шарқий қисми Хоразмга тўла қўшиб олинган. Унинг ўғли Муҳаммад Хоразмшоҳ даврида бу давлат ушбу ҳудуддаги ҳар жиҳатдан энг қудратли давлат ҳисобланган. Хоразмшоҳ билан Чингизхон ҳам уни босиб олгунга қадар ҳисоблашган. Менинг назаримда, Шота Руставели Хоразм ва унга туташ ўлкалардаги сиёсий вазият ҳақида маълум даражада тасаввурга эга бўлган ва достондаги тасвир ва воиф мулоҳазаларидан буни сезиш қийин эмас. Баъзи тадқиқотчиларнинг Хоразмшоҳ ўғлини "ажнабий" ("чужестранец") деб камситишлари ўринсиздир.

Достонда Хоразмшоҳнинг ўғли тўғрисида гап борар экан, бунинг ҳам заминида тарихий реал ҳақиқат излари йўқ эмас. Чунки Муҳаммад Хоразмшоҳнинг энг кўзга кўринган ўғилларидан бири Жалолиддин Мангуберди (1220 йилдан 1231 йилгача отаси ўрнида ҳукмронлик қилган. А.Ҳ.) бўлиб, Чингизхон қўшинларига қарши Хуросондаги Парвона дашти жангида қақшатғич зарба берган ва жанговарлиги билан тарихда қаҳрамон сифатида ном қолдирган. Бу хил ҳақиқатлар эса ўша даврлардаёқ Грузияга, Шота Руставели ва унинг замондошларига маълум бўлган.

Достонда Хоразм подшосининг исми "Хоразмшоҳ" деб тилга олингани ҳам тарихий ҳақиқатга ғоят яқин.

Аммо Шота Руставели достонида тасвирланган ва Тариэл аскарлари билан жангда ҳалоқ бўлган Шаҳзода том маънода бадиий тўқима образ бўлиб, унинг Жалолиддин Мангубердига ҳеч бир алоқаси йўқ.

Абдукодир ХАЙИТМЕТОВ

Олам турфа

"ЎҚ" ОТУВЧИ БАЛИҚ

"Тўпчи балиқ" деб ном олган жонворни Ҳиндистон, Австралия соҳилларида кўпроқ учратиш мумкин. У шўр сувда ҳам, чучук сувда ҳам бемалол яшайверади.

"Тўпчи балиқ"нинг қандай ов қилишини аквариум ичида яхши кузатиш мумкин. Қуёш нурининг сувда синиши бизга маълум. Буни қаранг-ки, балиқ ҳам ана шу ҳодисанинг фаҳмига етаркан. Шу боис мўлжалдан янглишмай деб ўлжанинг нақ тагкинасига бориб "ўқ" отади. "Тўпчи балиқ" нишон олишга жуда уста-ю, аммо кўпдан-кўп "ўқи"ни зое кетказади. Ўлжанинг узоқ-ми, яқинми эканлигини "ўйламай", бор кучи билан отаверади. У отган "ўқ" 4,5 метрга етади. Шунисиқизиққи, улар мерганлик санъатига узоқ вақт машқ қилиш орқасидагина эришар экан. "Тўпчи балиқ"лар ўз ўлжасини фақат отиб эмас, балки тутиб олиб ҳам ютаверади.

ЛАЗЕРНИНГ КАШФ ЭТИЛИШИ

Инсониятнинг кучли нурдан фойдаланиш орзуси XX асрга келиб амалга ошди. Янги давр электрилазер пайдо бўлди.

Америкалик олим Чарлз Таунс икки шогирди билан ажиб бир қурилма ясайди. Унинг ёрдамида аммиак молекулаларини ишга солиб, барқарорликда тўлқинлар оқимини чиқаришга мажбур этиш мумкинлигини исботлади. Калифорния университетининг профессори Ч.Таунс "Мажбурий нурланиш ёрдамида микротўлқинларни кучайтириш" деган инглизча иборани қисқартириб, қурилмани "мазер" деб номлади. Кейинчалик микротўлқинлар ўрнига ёруғликни кучайтириш учун молекуляр эмас, квант генератор ишлатиладиган бўлади-ю, "мазер" сўзи "лазер" деган ибора билан алмашди. Физика илмининг бу муҳим йўналишини ривожлантиришга олимлардан А.Прохоров, Н.Басовлар катта ҳисса қўшдилар. Лазер яратилишига олиб келган жуда катта илмий изланишлари учун бу ҳар иккала олим америкалик профессор Ч.Таунс билан биргаликда 1964 йили халқаро Нобель мукофотига сазовор бўлдилар.

АНТИҚА КЕМА

Руминиялик Ион Асталус ясаган кема дунё бўйича энг кичик деб тан олинса ажаб эмас.

Ўйинчоқ сифатида тайёрланган бу кемага мутлақо одатдан ташқари материллар ишлатилди. Энг кўп сарфланган ҳомашё дарахт шохлари бўлиб, улар асал билан ёпиштириб чиқилди. Спирт аралаштирилган асал кемачани жуда пишиқ, сувга тушганда чўкиб ёки бузилиб кетмайдиган қилди. Улкан денгиз кемасининг барча қисмларини ўзида мужассам этган мўъжаз кемани ясашга бор-йўғи биттагина дарахт шохи, бир қошиқча асал, айтишга ҳам арзимайдиган спирт сарфланади.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

Наманган вилояти

БАҲСДА ОҚСОҚОЛ ВА РАҲБАР АЁЛЛАР

Чортоқ тумани хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмасининг ташаббуси билан қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида турли мавзуларда кўрик-танловлар, баҳс-мунозаралар, спорт мусобақалари ўтказиш анъанага айланган.

Шу боис яқинда аёллар ўртасида катта теннис мусобақаси бўлиб ўтди. Унда қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, халқ таълими бўлимига қарашли мактаб, боғча мудиралари, ташкилот ва корхоналарнинг бошланғич хотин-қизлар қўмиталари раисалари ўзаро мусобақалашдилар.

Қизиқарли ва муросасиз баҳслардан сўнг Чортоқ шаҳар маҳаллалари ўртасидаги беллашувда Охунбобоев номли маҳалла раисаси Э.Тўрабоева, қишлоқ фуқаролар йиғинлари ўртасидаги баҳсда Алихон қишлоқ фуқаролар йиғини раисаси З. Ғайбуллаева, раҳбар аёллар ўртасида эса туман халқ таълими бўлими мудираси К. Исматуллаева, корхона, ташкилот бошланғич хотин-қизлар қўмиталари раисалари баҳсида эса Р. Инатуллаева ғолибликни қўлга киритдилар.

Эркин ТЎЛАГАНОВ,
меҳнат фахрийси.

● Болалар спорти

Яқинда Кувасойдаги "Кварц" акциядорлик жамиятида янги иншоот-чўмилиш ҳавзаси ишга туширилиб, "Нептун куни" спорт-шоу байрами ўтказилди. Тадбирга С.Раҳимов, Ш.Рашидов номли, Ёшлик маҳалла фуқаролари таклиф этилди.

«КВАРЦ»ДА «НЕПТУН» БАЙРАМИ

Байрам тантанасида "Кварц" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси муовини А.Ғофуров корхонада олиб борилаётган ишлар хусусида сўзлаб, хусусан, спортга катта эътибор берилаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, корхонада болалар спортини ривожлантириш борасида белгиланган тадбир асосида талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Унинг атрофидаги маҳаллада истиқомат қилувчи 200 га яқин ўғил-қиз ёзги таътил пайтларида футбол бўйича Содиқжон Ҳусаинов, бокс бўйича Бахтиёржон Тешабоев, сузиш бўйича Ҳусанбой Дониёровлар раҳбарлигидаги спорт тўгаракларига жалб қилинган. Сўнгра томошалар спорт мусобақаларига уланиб кетди.

Б.ҲАСАНОВ,
Қувасой «Кварц» Акциядорлик жамияти Маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи.

Самарқанд вилояти Сиёб туманидаги Оби Машат маҳалласи оқсоқоли Мамажон Аҳмедовнинг ўзи спорт устаси сифатида донг таратган. Яқинда унинг ўғли Шерзод Аҳмедов Туркияда бўлиб ўтадиган грек-рум кураши бўйича жаҳон чемпионатида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилади.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Тошкент вилояти

● Маҳалла майдонида

ХОНОБОДДА ЧЕМПИОНЛАР КЎП

Оҳангарондаги Хонобод маҳалласи нафақат шаҳарда, балки Тошкент вилоятида ҳам спорт йўналишидаги муваффақиятлари билан таниқлидир.

Бунда оқсоқолнинг алоҳида хизматлари бор

Маълумки, қаерда бўлмасин, агар маҳалла фуқаролар йиғини раиси қандай мутахассисликнинг соҳиби бўлса, шу жабҳада кўпроқ ўзгаришлар қилишга ҳаракат қилади. Хонабод маҳалласи оқсоқоли Ўразали Алиқулов ҳам шундайлардан. У Тошкент Давлат жисмоний тарбия институтини тугатгач, Олмалиқ тоғ-металлургия техникумида, сўнгра Оҳангарондаги бир неча ўқув юртларида ёшларга жисмоний тарбия фанидан сабоқ берди.

Албатта, ҳар бир ёш ўзидан-ўзи биронта касб-корни танлаб кетавермайди. Унга биринчи навбатда устозлар тўғри йўл кўрсатишади, бирон касбга меҳр ўйғотишади.

-Агар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Оҳангарон футболи асосчиларидан бири Ҳамид ака Жамолхонов, тилчи устозим Усмон ака Шорихсиев, йигирма йил мен таҳсил олган 1-мактабга директорлик қилган Ортиқ ака Эшонқуловлар кўнглимда спортга бўлган қизиқиш ва муҳаббатни уйғотишмаганда эди, ҳозир бошқа соҳада адашиб юрган бўлармидим, - дейди у ярим ҳазил, ярим чин, - ҳақиқатан ҳам ташкилотчилик, лабзда туриш ва кўпгина инсонийлик хислатларни улардан ўрганиб, кам бўлмадим.

Дарвоқе, йиғин ташаббуси билан бундан етти йил аввал маҳалла ҳудудидаги 2-ўрта мактаб қошида очилган «Ғалаба» бокс клуби кейинги йилларда нафақат мазкур маҳалла, балки шаҳар спорт шаънини юксакликка кўтаришга муносиб улуш қўшиб келаётир.Муҳаммаджон Бойзоқов бош мураббийлигидаги клуб кичик ва катта мусобақаларда бокс бўйича бир неча спорт усталари ҳамда чемпионларни кашф этди. Энг қувончлиси, чарм қўлқоп ихлосмандларининг асосий қисми маҳалла болаларидир. Оҳангарон шаҳрида биринчи бор чемпионлик ва спорт устаси унвонини олганлардан Жасур Саидкаримов ва Улуғбек Мадисмонов (спорт усталигига номзод)лар Хонободнинг фахри ҳисобланишади. Уларнинг эса спортга хусусан, боксга бўлган ихлослари пайдо бўлишида маҳалла оқсоқолининг ҳам муносиб ҳиссаси бўлса не ажаб. Айниқса, тобора ўз маҳоратини ошириб бораётган Жасурнинг муваффақиятлари маҳалладошларини мамнун этаётир. Чунончи, у жорий йилда Андижонда бўлиб ўтган «Баркамол авлод» мусобақаларида иккинчи ўринга лойиқ кўрилиб, кумуш медални қўлга киритди. Чирчиқда ўтказилган Тошкент вилояти биринчилигида эса ушбу маҳалладан 4 нафар спортчи қатнашиб, ўз вазн тоифаларига кўра уч боксчи - Аҳрор Саидкаримов, Бахтиёз Ҳусанов ва Диёр Ҳусановлар шоҳсупанинг биринчи поғонасига кўтарилдилар. Шу йил март ойида Самарқандда бўлиб ўтган Республика биринчилиги беллашувида эса, А.Саидкаримов яхши натижалар кўрсатиб, 3-ўринни эгаллади.



Амалдаги йилнинг апрел ойида эса Англрен шаҳрида уюштирилган тадбир Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси Фёдор Ким хотирасига бағишланган эди. Унда Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон ва республикамиз чарм қўлқоп усталари рингга чиқдилар. Улар орасида Муҳаммаджон Бойзоқовнинг тўрт нафар шогирди ҳам бор эди.

Улардан икки нафари - А.Саидкаримов ва Бахтиёр Ҳусановлар 2-ўринни олишга муваффақ бўлдилар.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Аммо маҳалла бундай кўрсаткичларга қандай қилиб эришяпти, деган савол туғилиши ҳам табиий. Ушбу саволга лўнда қилиб жавоб берадиган бўлсак, йиғин раисининг ўзи жонкуяр, ташкилотчи, ташаббускор. «Ғалаба» клуби фаолиятидан доимо хабардор бўлиб туради. Бош мураббий билан яқин ҳамкорликда ишлайди. Қандай муаммо, камчилик пайдо бўлса уларни тезроқ бартараф этиш йўлларини излашади. Қулай шароит яратиб берганларидан кейин албатта, машғулотлар самараси ҳам тезда кўзга ташланадида!

Дарвоқе, маҳалла спортчиларининг ўтган йилги эришган натижалари ҳусусида ҳам узоқ гапириш мумкин. Лекин қисқаси, Чирчиқда ва Тошкентдаги «Жар» спорт мажмуида, Ангрен ва Олма отада ўтказилган катта бокс мусобақаларида ҳам хонободликлар совринли ўринлар учун кураш олиб бордилар.

Шуниси диққатга сазоворки, маҳалла нафақат спортнинг бокс бўйича, балки башқа турлари бўйича ҳам ибратли тадбирларни ҳаётга татбиқ этаётир. Жумладан, жорий йилда шахмат-шашка бўйича шаҳар биринчилигида Хонобод вакиллари 1-ўринга муносиб кўрилди.

Биз ушбу маҳалла фуқаролар йиғинининг фақат спортни ривожлантириш юзасидан олиб бораётган фаолиятига баҳо беришга ҳаракат қилдик, холос. Ишончимиз комилки, бу борада амалдаги йил хонободлик янги-янги чемпионларни республикамизга таниталиган эсда қоларли йил бўлади.

Абдунаби МАННОПОВ,
Уйғун ШОРИХСИЕВ.

***

Суратда: бокс бўйича кўплаб мусобақалар ғолиби Улуғбек МАДИСМОНОВ

● Тарихий топилмалар тақдири

Тошканди маҳалласидан чиққан БУХОРИЙ

*** У аввал ота касбда... сўнг тадқиқотлар йўлида фидойилик қилди.**
*** Талон-тарож қилинган топилмалар.**
*** Ноаниқ маълумотлар.**
*** Унинг исми шарифи Мирза Бухорин ҳам, Мирза Абдуллин ҳам, Мирза Абдуллаев ҳам эмас, Мирза Абдулла Бухорийдир.**

XIX асрнинг 70 йилларидан бошлаб фаолият кўрсатган ўлкашунос олимлардан бири Мирза Абдулла Бухорий эди. У 1848 йили Самарқанд шаҳрининг Тошканди маҳалласида шойи тўқувчи ҳунарманд оиласида туғилган.

Шойи ва бахмал тўқувчи уста бўлиб, яхши жиҳозланган корхонаси ҳам бўлган. Бўлажак ўлкашунос ёшлигида ота касб - шойи тўқувчилик ҳунарини ўрганади. Отаси вафотидан кейин Мирза Абдулла шойи ва бахмал тўқиш корхонасини ўзи бошқариб, кўплаб сифатли ва харидорбоп газламалар тайёрлаб, XIX асрнинг 70-90 йилларида Мирза Абдулла Бухорий ўз корхонасида тайёрланган шойи ва бахмал материаллари билан Тошкент, Москва, Петербург, Харьков, Нижний Новгород, Париж, Берлин, Вена, Чикаго шаҳарларида ташкил этилган кўргазмаларида қатнашиб, кўргазманинг олтин, кумуш ва бронза нишонлари билан ҳамда диплом, фахрий ёрлиқлар, зарбоп тўн ва қиммматбаҳо буюмлар билан тақдирланганлиги архив ҳужжатлари ҳамда "Туркистон вилоятининг газети" ва "Туркистанские ведомости" газеталарида қайд этилган.

Мирзо Абдулла савдо-сотиқ ишларининг қонун-қоидаларини яхши ўзлаштирган ва иккинчи Гилдиз даражасига эга бўлган.

Мирзо Абдулла Бухорий айни бир вақтда илм-фан, ўтмиш тарихимизга, хусусан Самарқанднинг бой тарихи билан ҳам қизиқди. Мана шу қизиқишлар Мирза Абдулла Бухорийни қадимий жойлар, эски тепалар, бинолар, тупроқ остида қолиб кетган осори-атиқалар, сопол буюмлар - кўзачалар, лаган, коса, ҳайкалчалар, зеб-зийнатли заргарлик буюмлари, турли замонларда зарб этилган олтин, кумуш ва мис тангалар, нодир китоблар, қадимий қўлёзма асарларни тўплашга ва уларни синчиклаб ўрганишга ундади. Мирза Абдулла Бухорий қадимий Афросиёб харобаларидан тўплаган олтин ва кумуш тангалар, заргарлик, сопол ва шиша буюмлар, ёзувли ва расмли идишларни 1883 йили Самарқанд ва Тошкентдаги тарих музейларига топширган. XIX асрнинг 80 йилларида Самарқанднинг қадимий Афросиёб харобаларида археологик қазиш ишлари олиб борган Петербург университетининг профессори Н.И.Веселовскийга, XX асрнинг бошларида шарқшунос олим В.Бартольдга ҳамда ўлкашунос Л.Вяткинга Мирза Абдулла Бухорий яқиндан ёрдам кўрсатди. Мирза Абдулла Бухорий 1887 йилнинг октябрь ойи охирида Русия археология жамиятининг Петербургдаги шарқ бўлими илмий кенгашида қатнашиб, қадимий шарқ қўлёзмаларининг айримлари хусусида қисқача маъруза қилди. Мирза Абдулла Бухорий ўша илмий кенгашдан олган таассуротларини шундай баён қилади: "Декабрнинг биринчи кунида бугунги замондаги Шарқия аҳлини аҳволларини билмоқ учун барпо бўлинган жойга жам этилган мажлисда мусулмон халқларини тилларини биладурғон, чунончи, Хитой, Ҳинд ва ҳар хил халқларни бурунги аҳволини билмоқ тараддудида юрган кўп уламоларни кўрдим. Мени ҳузуримда турк ва уйғур тилларини биладурғон жаноб Радлов Тўхтамишхон ва Қутлуғ Темурнинг икки ёрлиғини маъносини баён қилди. Алар мендан баъзи сўзларнинг маъносини сўрадилар, мен билганимча аларға баён қилдим". Мирза Абдулла Петербург кутубхонаси ҳақида: "Бу ерда кўп нодир қўлёзма китоблар жумладан Низомий, Фирдавсий, Ҳофиз, Жомий, Навоий, Шарофиддин Али Яздий асарларининг ажойиб нусхалари бор экан", - деб ёзади. Маърифатпарвар шоир Зокиржон Фурқат 1891 йилнинг 14 май куни Самарқандга келиб, Мирза Абдулла Бухорийнинг уйида меҳмон бўлиб, у билан дўстлашади. "Камина Сиҳат ва Саломат Самарқанд вилоятиға келиб, тўғри ҳурматлик Мирза Бухорийнинг ҳовлиларига тушдим. Ўзлари ҳар бир товарихдан заковатпаноҳ киши эконлар, камина суҳбатлашуб кўп хурсанд бўлдим, алҳол ушбу кишининг ҳузурларида турубдурман деб ёзган эди Фурқат.

Мирза Абдулла Бухорий Фурқатга уйида йиғилган олтин ва кумуш тангалар, мис пуллар ва сопол буюмларни кўрсатди, Фурқат уларни зўр қизиқиш билан кўрди. Зокиржон Фурқат ўлкашунос олим, ўтмиш меросимиз билимдони Мирза Абдулла Бухорий билимига, ўлкашунослик фаолияти ва тўплаган тарихий топилмаларига юксак баҳо берди ва бу ҳақда "Туркистон вилоятининг газетаси"нинг 1891 йил 24 сонида Мирза Бухорийнинг топилмалари" ҳақида хабар берди.

Афсуски не қийинчиликлар билан Мирзо Абдулла Бухорий томонидан тўпланган нарсалар ўша даврда босқинчи мустамлакачилар томонидан талон-тарож қилинди. Кўп қисми эса Петербург эрмитажи ва кутубхоналарига топширилган, яна бир қисми Чор амалдорлари, пуллдор савдогарлар, шарқшунос, қадимшунос ва ўлкашуносларнинг шахсий музей ва кутубхоналарига бориб тушган.

Петербург университетининг профессори Н.И.Веселовский XIX асрнинг 80 йилларида Мирзо Абдулла Бухорий тўплаган 1202 та осори-атиқа буюмлар, 11 та тилла, 77 та кумуш, 951 та мис танга, 18 та муҳр ва бошқа қиммматбаҳо тарихий буюмларни олиб кетган. Хулоса қилиб айтганда, Мирзо Бухорий томонидан 1870-1890 йиллар давомида тўпланган жами 6300 та осори-атиқаларнинг бир қисми Эрмитажга, қолганлари Осиё музейига топширилган.

Тарих фанлари доктори марҳум Б.В.Лунин томонидан Ўзбекистонда иҳтимоий фанлар журналининг 1963 йил 6 сонида "Самарқандлик Мирзо Бухорий - қадимий нарсалар ишқивози ва тўпловчиси" номли мақоласида айрим ноаниқ маълумотлар асосида Мирзо Бухорий 1893 йилда вабо касали билан вафот этган деб ёзилган. Ушбу мақолада Мирзо Бухорийнинг туғилган йили ҳам кўрсатилмаган. Ана шундан бери тадқиқотчиларимиз Мирзо Бухорий 1893 йилда вафот этган деб, нотўғри санани кўрсатиб келаётирлар. XIX асрнинг 70 йилларидан XX асрнинг биринчи чорагига қадар рус манбаларида ўлкашунос Мирзо Абдулла Бухорий икки номда Мирза Бухорин ва Мирза Абдуллин номи билан ёзиб келинган. Ҳатто манбашунослариимиз Мирза Абдулла Бухорийни икки номда Мирза Бухорий ва Мирза Абдуллаев деб кўрсатганлар. Абдулла ҳолбуки, унинг исми бўлиб, Мирза унинг касбига нисбатан берилган қўшимчадир.

Мирза Абдулла Бухорийнинг фарзандлари ҳам илмли, билимли бўлиб, илм-фаннинг турли соҳаларида хизмат қилиб келганлар: катта ўғли Абдураҳмон узоқ йиллар Тожикистон Давлат университетида ишлаб, 1940 йили Москвада номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Кейинги йилларда профессор Абдураҳмон Бухоризода Ташкилотчилик ва педагогик фаолиятида фан учун янгиликлар, дарсликлар, дарслик ва қўлланмалар яратди. Мирза Бухорийнинг ўртанча ўғли Эгамберди Бухоризода 1940 йили Ўрта Осиё Давлат университети - (Ҳозирги М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети)нинг физика-математика факультетини тамомлаб, турли масъул вазифаларда хизмат қилиб, 1943 йилнинг 23 февралида жанг майдонида ҳалок бўлган. Мирза Бухорийнинг кенжа ўғли Малик 1941 йили Тошкент индустрал институтини тамомлаб, фронтга жўнайди ва жанг майдонида ҳалок бўлган. Мирза Бухорийнинг набиралари ҳам бўлиб, улар ичида фан докторлари, арбоблари, санъаткорлар, композиторлар бор.

Мирза Абдулла Бухорий 1918 йили Самарқанд шаҳрида 70 ёшида вафот этган.

Рашид БОЙТУЛЛАЕВ.

МУНАЖЖИМЛАР ТАЖЪИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Бўшанглик ва ишонувчанликка йўл қўйсангиз хизмат масалаларида бўлгани каби, севгида ҳам "ковун тушириб қўйиш"ингиз мумкинлигини ёдда тутинг. Шунга қарамай, келажагингиз порлоқлигида сизга кўмаги тегадиган турли одамлар билан мулоқот қиласиз.

СИГИР (22.0420.05)

Барча учун одатий меъёрлар ва оилавий анъаналарга риоя этсангиз хонадонингизда можароли ҳолатлар юзага келмайди. Шунинг учун масъулиятлироқ бўлсангиз, зарар қилмайсиз. Асосий ишларни чоршанбада бажариб олинг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)

Бордию душанбадан пайшанбагача бўлган кунларда сизга буткул номаълум бўлган янги ишни таклиф қилсалар, уни рад этинг. Акс ҳолда, ўзингизни алдаб қўясиз. Жума куни ҳаётингизда ўзгаришлар содир бўлади.

ҚИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)

Кейинчалик ачиқ азобдан қийналмай десангиз ҳафта кунларида моддий соҳадаги жиддий, узоқ муддатли режаларни амалга оширишга киришмай турганингиз маъқул.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Унутманг, атрофдагиларга таъсир кўрсатишнинг энг қулай усули бу шахсий ўрнак кўрсатишдир. Оилавий муносабатларда инжиқликни ташлашга интилинг. Шунда ҳафта осойишта ўтади. Ковончим кўпайсин десангиз эски кадрдонлар билан кўпроқ алоқада бўлинг.

ПАРИЗОД (23.08-22.09)

Ушалиши қийин орзуингиз амалга ошмаслигини билгандан сўнг, турмуш-турмушингиздан қаноат ҳосил этасиз.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Яқинларингиз сиздан катта харажатлар қилишингизни сўраб қолишлари мумкин. Сизни қизиқарли мулоқотлар, янги жой ва кишилар билан таниқув кутмоқда.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Ўз айбини осон кечириш ва ўзгаларга талабчанлик билан муносабатда бўлиш оилада муаммо келтириб чиқариши мумкин. Шунингдек, бу саёҳат ҳақидаги режалар амалга ошмай қолиши мумкин.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Узоқ сафарга чиқиб қолсангиз диққатли ва камтарроқ бўлинг. Сабаби, ўзингизни ўзингиз алдаб қўйишингиз хавфи бор. Бу эса катта моддий йўқотишларга олиб келиши мумкин.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-19.01)

Бирон кўнгилсизлик юз бермасин десангиз суғдан эҳтиёт бўлинг. Ҳафта кунлари йирик миқдордаги олди-сотдиларни амалга ошириш учун нокулай, Бироқ бу ҳафтада ўзингизни етарли даражада бардам сезасиз.

КОВҒА (20.01-18.02)

Ўзига ўта ишониш, сабрсизлик ва тартибсизлик оқибатида мақсадга эламмиз тортиб қолманг. Атрофдагиларга ишонишни ҳам ўрганинг. Негаки, бу ҳафтада сизни катта ижобий ўзгаришлар кутмоқда.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Ҳар доимгидек, сиз икки оламда яшайсиз. Ҳаётингизда муҳим воқеалар рўй бериши кутилмоқда. Ҳафта кунларида тўнишганлар билан ёки соғлиғингиз тўғрисида баъзи муаммолар келиб чиқиш эҳтимоли бор.

Ғофур аканинг ён қўшниси Набижон дарвозаси олдидаги катта ўрик дарахтининг тагидан арра солдириб юборди. У боққол дўкончаси олдига қалин соя солиб турарди. Ҳовлисидан шарқираб оқиб чиқадиган зилол сув шабадасида бир пиёла чой баҳонасида суҳбат қуриладиган жой жазирама кун тиги бўлди-қолди.

КЎЛАНКА

(воқеий ҳикоя)

Ўз файзини йўқотди. Ғофур қўшниси билан анчадан буён "тескари" бўлганлиги учун нега бундай қилганлиги тўғрисида оғиз очмади ҳам. Аксинча, соябон қилиш тараддудига тушди. Аввалгидек кенг жой бўлмаса ҳам дўкончаси олди соя бўлди.

Одати бўйича невараларига конфет, қурут, ўзига носвой олишга одатланган маҳалладаги Зоир соҳибкор бу ҳолдан ҳайрон бўлиб қолди. Ўрик шохларини кертиб, машинага ортаётган Наби тажанг билан салом-алик қилгач:

- Набижон, мевали дарахтни кесиб чакки иш қилибсиз-да. Унинг мевасига кўча болаларининг ҳатто катталарнинг ҳам оғзи тегарди. Унинг соясини айтмайсизми, - дея афсус билдирди.

- Э, отахон, шундай дейсиз-у... ҳа, ҳалиги, - у дилидагини ошкор қилишни истамай, баҳона излади. - Экинларимизга соя бераяпти.

- Шундай денг, - киноя ли жилмайди Зоир соҳибкор. - Эҳтимол, бундан ҳам муҳим бошқа бирор сабаби бордир?

- Айтсам тилим, айтмасам дилим куяди деганларидек, очиғини айтсам, дарвозамнинг олди от бозор бўлиб кетди, - Ғофурнинг исмини тилга олмай, унинг дўкончаси томонга боши билан ишора қилди. - Эртадан кечгача катталдан кичик шу ерда. Савдо чаққон, фойда катта. Фойда ҳузури у ёқники, жабри эса бизники, отахон.

Бу йил қиш қаттиқ келди. Кўпчилик мевали дарахтларни совуқ уриб кетди. Жумладан, Набижоннинг ҳовлисидаги олма, гилос, анжир, шафтолиларни ҳам ёппасига совун уриб, баҳор келганда улар амал олмай қолди. Ғофур ака ҳовлисидаги гилос, олма, нок, токларини эса совуқ четлаб ўтгандай эди.

- Ҳа, Набижон, худди атайлаб қилингандай икки манзара, - деди оппоқ соқолларини силаб Зоир соҳибкор. - Кўнглингизга олмайсиз-у, азм ўрик дарахтингиз ҳовлингиздаги меваларга бир қалқон эди.

Карим РАҲИМ

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 198-ўрта мактаб томонидан Махмудов Абдумахсуд Азизович номига берилган А. 189306 сонли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани ИИБ томонидан хусусий тадбиркор GANIEV DJAMOL UZBEKOVICH номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянное свидетельство №108539, об окончании 8-ми классов выданное средней школой 9 г.Чирчика Ташкентской области на имя СВАЛОВОЙ Ольги Леонидовны считать недействительным.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳокимлиги томонидан 2001 йил 29 майда Файзиев Хабибулла Лутфуллаевич номига берилган 1015781 рақамли якка тартибдаги тадбиркорлик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Миллий Университети томонидан ёзилган В 142720-сонли диплом бланкаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Жиззах вилояти Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими

«Маҳалла» жамғармаси Бахмал тумани бўлинмаси раиси Эшмурод Аҳмедовга опаси

Бобобекова ШАРОФАТнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

Утерянное свидетельство о государственной регистрации выданное Министерством Юстиции РУз. за N II ОТ 08.04.94.г. Республиканской фондовой бирже «Тошкент» считать недействительным.

ООО «KOHINOOR-FOX» объявляет об уменьшении уставного Фонда до 300000 сўм.Претензии принимаются по тел: 55-34-28

Mahalla

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Эркин БОҚИБОЕВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Бехбуд ЖУМАЕВ, Таънаберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ

Навбатчи: Аброр БЕРДИЕВ

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93,
Тел/Факс: — 133-44-25,
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

5079 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-724 Топширилди—21.00